

"НАЗАРИЙ МЕХАНИКА" фанидан Республика фан олимпиадаси

Республикамизда оилй таълим муассасалари талабалари ўртасида барча фанлардан Республика Фан олимпиадаларининг 2-босқичи юқори тайёргарликлар ва эътибор билан ўтказилмоқда. 2019-йил 15-16-май кунлари оилй таълим муассасалари талабалари ўртасида И.А.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида "НАЗАРИЙ МЕХАНИКА" фанидан Республика фан олимпиадасининг 2-босқичи ўтаказилди.



2019 - йил 15-май куни рўйхатга олиш ишлари ва Республика Фан олимпиадаси очилиш тадбири бўлиб ўтди. Республика фан олимпиадасининг очилиш тадбирида т.ф.д., проф. К.Каримов сўзга чиқиб, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан олиб борилаётган таълим соҳасидаги давлат сиёсати ҳақида гапириб, олимпиадага ташриф буюрган меҳмон профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшларни самимий табриклади ҳамда уларга омад тилади.



Республика фан олимпиадасининг биринчи куни, яъни 15-майда ёзма иш ва кроссворд, иккинчи куни эса тест синови ҳамда ижодий иш йўналишларида шаффоф, адолатли тарзда синовлар ўтказилди. Республика фан олимпиадасининг якуний натижаларига кўра, 3-ўринни Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти 3-босқич талабаси Шаропов Бобир Набижон ўғли, **2-ўринни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти «Гидротехника қурилиши» факултети 2-босқич талабаси Курсеитов Ахтем Сейранович**, 1-ўринни Тошкент давлат техника университети 2-босқич талабаси Усанов Дониёр Шукрулло ўғли эгаллади. Ҳолиб бўлган иштирокчи талаба-ёшлар ва уларнинг устозларига университет ректорининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**“Назарий ва қурилиш механикаси” кафедраси ахбороти
Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**